

Умарали эшон - Нақшбандия тариқатининг олим ва мударриси (учинчи мақола)



11:00 / 17.10.2021 1409

Яккатут жоме масжидига асос солиниши

Ушбу воқеадан хабар топган Қўқон хони Худоёрхон 1858 йили Эшон ҳазратларини зиёрат қилгани келади. Хон қандай илтимос ёки талаби борлигини сўрайди. Шунда Умарали эшон қишлоқ аҳлининг емак-киймакдан ҳеч бир камчилиги йўқлиги, фақат масжидларида жума намозини адо этишга рухсат берилса кифоя эканлигини айтадилар.

Худоёрхон Умарали Эшоннинг бу илтимосига кўра, иноятнома, яъни рухсатнома ёздириб, остига муҳр уриб беради. Ушбу учрашувдан сўнг Умарали Эшон хонақоҳлари ёнидаги масжидда жума ва ҳайит намозлари адо этиладиган бўлди. Худоёрхон ўзи қурдирган мадрасада эшон ҳазратдан ҳафтада икки кун толиби илмларга мударрислик килиб, илм зиёсини ёйишларини буюрди. Юқоридаги воқеа қишлоқ гузарининг кенгайиши, файзли ва обод бўлишига сабаб бўлди. Мазкур ҳодисани тасдиқловчи ҳужжатлар ҳозиргача архивларда сақланиб қолган.

Маълум вақтдан кейин Худоёрхон Эшон бувага қозилик қилишларини айтади. Умарали Эшон Хонга рад жавобини беради. Бу воқеадан сўнг Умарали Наманганга кўчиб кетади. У даставвал Аҳси атрофидаги Қоратепа қишлоғида, кейин Наманган шаҳрининг Баҳодирхон эшон маҳалласида,

охири Қумқўрғон деган жойида истиқомат қилади. Ҳазрат эшон умрининг охирги йилларида она юрти Қўқонга қайтади ва Яккатутда истиқомат қилади. 1923 йили 93 ёшларида оламдан ўтади. Қабри ҳозирда Учқўприк тумани, Яккатут қишлоғи, масжиддаги катта тут дарахти остига қўйилган.

(Давоми бор)

Акрам Шарипов, мустақил илмий тадқиқотчи.

Чиноз тумани, Олмазор қўрғони